

Жахон сўз санъати дунёсида “саргузашт адабиёти” деб аталган ажабтовур яратик – хилкат бор. Саргузашт адабиётига таъриф берганда, бу соҳа мутахассислари ҳаётда юз берган ёки тўкиб чиқарилган гаройиб воқеа-саргузаштларни кизикарли ҳикоя қилувчи асарларни назарда тутадилар; уларга хос хусусиятлар: сюжет воқеаларининг фавкулотда сирли-сехрли тус олиши, ўткир интригаларга бойлиги, воқеалар ривожига қўшилмаган кескин ўзгаришлар, персонажлар қисматида терс бурилишлар юз бериши, асар қаҳрамонларининг турли синовларга дуч келишию ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиб, турли-туман бало-қазолардан омон чиқиши каби жиҳатлар тилга олинади. Сўз санъатининг барча тур, шакл – жанрларида бўлганидек, саргузашт адабиёт намуналари орасида ҳам юки йўқ, енгил-елпи, шунчаки олди-қочди воқеалар баёнидан иборат “асарлар” билан баробар, “саргузашт”ни чинакам санъат мақомига қўтарган нодир адабий дурдоналари ва ҳар бир миллий адабиётда унинг етук даргалари ҳам бор. Сервантеснинг “Дон Кихот”, Ф.Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль”, Ж.Свифтнинг “Гулливёрнинг саёхатлари”, А.Дюма, Ф.Купер, М.Рид, Р.Стивенсон, Р. Хаггард каби адибларнинг каттаю кичик баравар севиб ўқиладиган дунёга машҳур асарлари шулар жумласидан.

Ўзбек адабиётида бу турнинг илк замонавий намуналарини Абдулла Қодирий яратди, “Жинлар баъзи”, “Қалвак маҳзум”, “Тошпўлат тажон” бу йўналишдаги дастлабки тажрибалар эди; ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари миёнасида дунё юзини қўрган Гафур Гуломнинг “Шум бола”си миллий саргузашт адабиётимизнинг чўккиси бўлди.

Шундан кейин мазкур жанрнинг ҳам мазмунини, ҳам бадииятини юқори қўтарган ижодкорлардан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев бўлди. У бадиий ижодни ҳам катталар, ҳам болалар учун ҳикоялар ёзишдан бошлади, катталар учун ёзганларидан бири “Фельетондан сўнг” ҳикояси конкурс мукофоти билан тақдирланди, болаларга ёзганлари “Шошқалок” тўплами ҳам ижобий баҳо олди, лекин у катталар ҳаётидан олинган “Жонгинам, шартинги айт” ва болаларга аталган “Сехрли қалпоқча” номли илк саргузашт қиссалари билан элга танилди. Айни шу икки асарида унинг асл бисоти, чин истеъдод майллари яққол намоён бўлди. Омадни қарангки, ҳар икки асарни китобхонлар ҳам, адабий танқид ҳам бирдек хуш қабул қилди. Бундан руҳланган ёш адиб “Сехрли қалпоқча” қиссасини қенгайтириб, 1969 йили “Сарик девни миниб” номи остида романга айлантирди. 1973 йили бу асарнинг мантикий давоми тарзида “Сарик девнинг ўлими” дунё юзини қўрди. Сўнг бирин-кетин “Беш болали йигитча” (1976), “Қасоскорнинг олтин боши” (1980), “Йиллар ва йўллар” (1983), “Ширин қовунлар мамлақати” (1986), “Жаннати одамлар” (1986) майдонга келди. Бу романларнинг аксарияти ўзимизда ҳам, хорижда ҳам довраг қозонди, хилма-хил мукофоту совринларга сазовор бўлди. Шу тариқа, миллий саргузашт адабиётимиз сардорига айланган адибнинг, айниқса, “Сарик девни миниб” билан “Сарик девнинг ўлими” романлари жаҳон кезишда рекорд қозонди, жаҳоннинг ўттизга яқин мамлақатларида чоп этилди, жаҳондаги шу турнинг етук асарлари қаторидан муқим ўрин олди.

Бу асарлар халқимиз маънавий ҳаётида чуқур из қолдирди. Кейинги ярим аср давомида мактабда таълим олган миллий фарзандларининг деярли барчаси учун Худойберди Тўхтабоев романлари қаҳрамонлари, хусусан, Хошимжон билан Акрамжон ўз жигарларидек таниш, қадрдон бўлиб кетган. Хўш, Худойберди Тўхтабоев саргузашт романларига шухрат қелтирган омиллар нималардан иборат? Менимча, биринчидан, бу

романлардаги саргузаштлар ифодаси жанр такозосига кўра тасаввур, тахаюл махсули бўлмиш кутилмаган фавкулудда ходисалар силсиласидан иборат бўлса-да, улар миллий заминга, муаллифнинг хаётий тажрибалари асосига қурилгани билан кимматлидир. Худойберди Тўхтабоев хатто ўзи бевосита шохид бўлмаган воқеа-ходисалар, чунончи, “Касоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар” романларида ҳам қахрамонлар саргузаштлари тасвири, талкинида ўз хаётий тажрибаларидан келиб чиқиб калам сургани яққол сезилиб туради. Иккинчидан, адиб романларининг қахрамонлари болалар бўладими, катталар бўладими, ким бўлишидан катъи назар, улар тасвири, талкини хаамиша болаларга хос нигоҳ, самимият билан йўгрилган. Ёзувчи Шукур Холмирзаев топиб айтган: “Худойберди аканинг табиатида ўзи кандайдир мўъжаз, яхши маънода болалик бор”. Айни мана шу хислат – болаларча бегубор соддалик асарларига кўчиб ўтиб уларга ажиб рух, самимият бахш этади. Учинчидан, адиб асарлари поэтикаси, ифода тарзи, усуллари жихатидан ранг-баранг; улар орасида соф хаётий, реалистик йўналишдаги романларни ҳам, миллий халқ оғзаки ижоди аъъаналари билан йўгрилган хаёлий фантастика, замонавий жаҳон тажрибаларига хос шиддаткор детектив намуналарини ҳам, тарихий-биографик саргузашт турларини ҳам учратиш мумкин. Муаллифнинг шундай романлари ҳам борки, уларда бир эмас, бир неча ифода тарзи синтезига дуч келамиз. Тўртинчидан, асарлари кандай шакл, кўриниш, руҳда бўлишидан катъи назар, хатто кескин драматик, фожиавий вазиятлар ифодасида ҳам хазил-мутойиба, юмор ёндош холда келади. Нихоят, бешинчидан, олтмишинчи-етмишинчи йиллар адабиётида етакчи тамойилга айланган асарда “гап айтиш”, хаётнинг жиддий муаммоларига муносабат билдириш, муаллифга тинчлик бермаган, калбини ўртаган, кўлига калам олишга ундаган хаёт ва шахс жумбоқлари борасидаги дил сўзларини, кўнгил дардларини, армон-ўкинчларини тўкиб солиш ходисаси Худойберди Тўхтабоевнинг болалар учун мўлжалланган саргузашт асарларига ҳам хос етакчи хусусиятлардандир. Адибнинг “Сарик девни миниб” номли романининг қахрамони – Хошимжон табиатан кулдирувчан, кизикчирок. У топиб гапиради, жўн гапларга ҳам тўн кийдириб юборади. Унинг нутки хазил-мутойиба, киноя-кесатикларга ниҳоятда бой. У ўзгаларни кулдиради, ўзи эса сира кулмайди. Асарни худди шу хил бола тилидан хикоя килиш юморист ёзувчи учун жуда-жуда кўл келган.

Хошимжон кўринишдан ниҳоятда содда, гўл, ширинсухан, майин- мулойим бола, ойиси чакирганда “Лаббай, ойижон”, иш буюрганда “Хўп бўлади, ойижон”, деб туради. Аслида, у хийла мугомбир, кув, шўх бола. У укаларига кун бермайди, ўзига топширилган ишларни укаларига буюради, борди-ю, улар бажармаса холи чаток – оч бикинига мушт келиб тушади. Мактабда ҳам шундай. Топширикларни бажаришга уринади. Унинг дўсти хар кандай масалани кўз очиб-юмгунча ишлаб ташлайди. Хошимжон ҳам бўш келмайди, кўз очиб юмгунча ундан кўчириб олади. Факат бу билан кифояланмайди, хатто мактаб директори номига кийин дарсларни жадвалдан чиқариб ташлаш хақида ариза ёзади. Хуллас, унинг меҳнатга сира тоби йўк, хар сохада хар доим осон йўл кидиради. Бирок, бу йўл уни яхшиликка элтмайди, ўқитувчиларнинг дашномига, ойисининг таъкибига учрайди.

Хошимжон отдан тушса ҳам, эгардан тушган эмас. Соддадил бола ўз “эътиқоди”дан кайтган эмас. У ҳамон ўкимасдан, меҳнат килмасдан шухрат ва мартабага эришиш йўлини кидиради. Шу орада бирдан унинг иши юришиб кетади. Хохлаган нарсасини мухайё этадиган афсонавий сеҳрли калпокчани топиб олади ва у билан сайрга чиқади. Шу ўринга келиб, саргузашт асар ярим фантастик тус олади, бири-биридан кизик,

бири-биридан кулгили гаройиб саргузаштлар бошланиб кетади. Хошимжонниг кўнгли ниҳоятда чоғ. Мана, энди, у ўз ўқитувчилари кўлида ўқимасдан туриб ҳам хар қандай касб эгаси бўлаолиши мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчи, кўкси тўла орден, катта шон-шухратлар билан кишлогига қайтмоқчи. Афсус, минг афсус, хатто аф-сонавий сеҳрли калпокча ҳам бу борада Хошимжонга кўмак беролмайди. Сеҳрли калпокча мухайё этган имкониятлар хар сафар кутилмаган кўнгилсиз оқибатларга олиб келаверади, қахрамоннинг бахти энди кулай деб турганда, ишнинг пачаваси чиқиб қолаверади. У агроном ҳам бўлади, шоир ҳам, артист ҳам, инженер ҳам бўлади, бироқ, хар сафар билимининг, тажрибанинг йўқлиги ишнинг белига тепаверади. Зотан, асардаги кулгининг хақиқий манбаи худди ана шунда.

Муаллиф ёш қахрамон характери ва саргузашти тасвирида бир ёкламаликдан қочади, қахрамонни олабўжигга айлантириб юбормайди, қахрамон хали бола эканини доимо назарда тутаяди; Хошимжон табиатида ўзига ярашадиган қандайдир эркатойлик, одамни ўзига тортадиган самимият, жозоба бор; аслида, унда ҳеч қанака ёвуз ниёт йўқ, у муайян даражада романтик, орзу-хаваслар эгаси. Бироқ, у орзу-хавасларга элтадиган катта йўлдан бир муддат четга чиқиб сарсон-саргардон бўлади, кулгили вазиятларга тушиб қолади. Қахрамон қанчалик хатоларга йўл қўймасин, у, аслида, самимият эгаси бўлгани учун асардаги кулги самимий, қувноқлигича қолаверади. Асар қахрамони нуқул бемаънигарчиликлар билан шугулланавермасдан, хайрли ишлар ҳам қилади: у сеҳрли калпокча ёрдами билан фолбиннинг кирдикорларини фош этади, олгир, порахўр меҳмонхона ходимларини саросимага солиб қўяди; хусусан, қиссининг иккинчи қисмида қахрамон катта иш кўрсатади, сохта, фирибгар дин хомийларининг асл башарасини очиқ ташлайди. Учинчи қисмда Хошимжоннинг мактабдаги саргузаштлари ҳикоя қилинади. Кўп хангомаларни бошидан кечирган қахрамонимиз асар охирида бошқача қиёфага қиради, орзу-хавасларга элтадиган қинакам йўл одоб ва кунт билан ўқишда, меҳнатда эканига тўла ишонч ҳосил қилади. Қисқаси, охир-оқибат қахрамон бисотидаги самимият, эзгу ҳислатлар қолиб қолади.

Дадил айтиш мумкинки, бу роман ёзувчининг ижодий тақдирида бурилиш ясади, шу пайтга қадар катталар ва болалар дунёси оралигида иккиланиб турган ёзувчимиз “Сарик девни миниб” асаридан сўнг, бутунлай болалар адабиёти майдонига ўтиб олди. “Сарик девни миниб” эълон этилиб, қўлма-қўл ўқиладиган кезлари муаллиф номига мактублар ёғилиб кетди. Асар ўқувчилар: “Сарик дев”нинг давоми борми?” “Сеҳрли калпокча” омонми?” деб сўрашади, Хошимжоннинг галдаги саргузаштлари билан танишиш истагида эканликларини айтишади. Бир чекқаси, китобхон истагини, қолаверса, ёзувчи кўпдан бери кўнглида йигилиб ётган дарду дунёсини тўқиб солиш ниётида, унинг мантиқий давоми – “Сарик девнинг ўлими” устида ишга қиришди. Муаллиф янги асар устида иш олиб бориш жараёнида, жаҳон детектив адабиёти намуналари, унинг назарияси билан яқиндан танишади, бу тур адабиёт хусусида ўзининг муайян қарашлари – концепцияси шаклланади. Унингча, детективнинг муҳим шартлари шулардан иборат: 1. Асарда, албатта, ижтимоий мотив биринчи ўринда туриши керак. 2. Асарнинг бошланишидаёқ жиноят ёки қотиллик юз бериши лозим. 3. Изқувар ўз атрофидагиларга қараганда ақллироқ, идроклироқ, топқирроқ бўлиши шарт. 4. Китобхон билан изқуварнинг жиноят ҳақидаги хабардорлиги бир хилда бўлиши керак. 5. Муҳаббат, оила мотиви биринчи планга чиқмаслиги керак. 6. Изқуварнинг ўзи жиноятчи бўлмаслиги керак. 7. Изқувар жиноятчи ёки қотилни тасодифан эмас, балки майда иқир-чиқирларни таҳлил қилиб, индуктив мулоҳазалар билан топиши керак. 8. Изқувар

кроссворд жумбогини ечгандек ҳаракат килиши шарт. 9. Кроссворд жумбогини ечиш реалистик асосга қурилиши керак. 10. Детектив асарда жинойт битта бўлиши талаб килинади. 11. Жинойтчининг жинойтни беркитишдаги усталиги изкуварнинг усталигидан кам бўлмаслиги керак – изкувар аклли душман билан юзма-юз бўлиши керак ва ҳақозо.

Адиб янги романини ана шу шартлар асосида қуришга ҳаракат қилади. Ўқувчи бу асарда аввалги китобдан таниш қахрамон – Хошимжон билан қайта учрашади, унинг ўзга бир жиддий вазиятдаги янги саргузаштлари билан танишади, ўта калтис вазиятларда сехрли калпокча мададга келади, ажойиб-гаройиб қароматлар кўрсатади. Дарвоқе, аввалдан таниш бу қахрамон аввалги ўйинқарок Хошимжон эмас, саккиз йилликни битириб, улгайиб, оқ-қорани таниб қолган. Энди у ўз ҳаёти, тақдири устида жиддийроқ ўйлайди, ўзига касб танлайди, дастлаб сартарош бўлади, аввалги китобда қаллоблиқларга қарши қураш жаҳҳасида шаклланган иштиёқ, иш тажрибалари энди уни қаттарок майдон сари етаклайди, милиция мактабида ўқиб, милиционерликка ишга ўтади; янги китобдаги таажжуб хангомалар айна шу нуқтадан бошланади, ўзгача шиддатли детектив саргузаштлар қахрамоннинг айна шу янги касб-қори билан боғлиқ ҳолда давом этади.

Худойберди Тўхтабоев кўпдан бери милиция ходимларининг машаққатли ҳаётидан ҳикоя қилувчи, қаллоб, юлғич, порахўрлар қилмишини фош этувчи йирик асар яратишни орзу қилиб келарди. Асарнинг халқ милицияси сафида қирқ йилдан ортиқ хизмат қилган, пок, саховатли қалб эгаси марҳум полковник Раҳимжон ака Отажонов хотирасига бағишлангани беҳиз эмас. Китоб муаллифи жинойтчи – қаллоб, юлғич, порахўрлар афти-ангорини, қирдикорларини яхши билади, газеталар таҳририятида фелъетончи бўлиб ишлаган кезлари кўп марта бундай жинойтчилар изига тушган, улар билан юзма-юз тўқнашган, уларнинг сиру асрорини фош этувчи ўткир фелъетонлар ёзган. Ўша йиллари тўпланган тажриба, бой ҳаётининг материал, ундан кейинги қузатишлар ушбу асарга асос бўлган.

Аввалги асаридаги қаби “Сарик девнинг ўлими”да ҳам воқеалар “ярим ёлгон, ярим чин” тарзида, яна ҳам ҳаётининг-реалистик, ҳам ҳаёлий-фантастик тарзда давом этади, муаллиф фантастика тақозо этадиган шартли-ҳаёлий усуллардан қенг фойдаланади, рамзий деталь, образларга, қутилмаган фавқулодда вазиятларга қадил мурожаат этади; асар сюжетига сирли-детектив тус беради, қонфликтни айна шу тур асарга ҳос яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан қабоҳат орасидаги қиддиётларга қуради.

Романда яхшилик, эзгулик қамзи сифатида изкувар Салимжон ва унинг мададқори Хошимжон, ёвузлик, қаролат, қабоҳат қамзи тарзида эса Одил баттол қимсоли қавдаланади, улар орасида қох ошқора, қох қинҳона қетиним, шиддатли қанг қетади. Салимжон билан Одил баттол умр бўйи олишиб қелган. Одил ниҳоятда маққор. У Салимжон бошига қуда қўп оғир савдолар қолган, уйига ўт қўйган, норасидаларни оловда ёндирган, унинг қаккаю ёлғиз қарзандини йўлдан оздириб, қўлига тўппонча тутқазиб жинойтга етаклаган; у қамон қинқимайди, эл-қурт олдиди Салимжонни шарманда қилмоқ, қўқсига қичоқ урмоқ қайида қуради. Ўз навқатида, Салимжон қам бўш қелмайди, бошига тушган муқибатлар туқайли қар қанча қуйиб-ёнмасин, қалби ўртанмасин қурашдан асло толмайди, бўйи-басти буқилмайди, иродаси сўнмайди. Ниҳоят, орада қечган аёвқиз қураш – қанг эзгулик тантанаси билан қунланади. Муаллиф ўқувқини ҳаёл қанотида нузли қелажакка – жинойтлар, жинойтчилар барқам топган, Одил баттоллар музей экспонатига айланган қамонларга етаклайди; ақар қалқ

ўз эркини кўлга олиб, каллобларга курашда бир ёкадан бош чиқариб оёкка турса, бу эзгу – орзулар, албатта, рўёбга чиқажагига сизу бизни ишонтиради...

Аввалги романда бўлганидек, мана шу детектив-саргузашт тарзидаги воқеалар Хошимжон тилидан хикоя қилинади. Гарчи, бу романда қахрамонимиз улгайиб қолган, масъулиятли лавозимни эгаллаб турган, муҳим ижтимоий вазифани адо этаётган бўлса-да, болаликда теккан одатлари – ўша шўх-шаддодлик, андак қувлик, қувноклик табиатида сакланиб қолган; ҳатто баъзи ҳолларда у ҳозирги ҳолатини унутиб бутунлай болакайга айланиб қолади, болаларча гўлликка боради. Бу ҳол қахрамонимизга, қолаверса, асарга ўзгача самимият, қувнок руҳ, юмористик оҳанг бахш этади. Ўн саккизга қирмаган қим бор, севги ҳиссини туймаган қим бор, деганларидек, Хошимжон ҳам бу ёшда севги кўчасини четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Ёзувчи йигитчанинг севги саргузаштларини ҳам, албатта, саргузашт-детектив асар такозоси доирасида қаламга олади; романнинг умумий руҳига мос тарзда севги саргузаштларини ҳам қувнок қулги билан йўғрилган ҳолда беради.

Қабохату жиноятларга қарши мурасасиз кураш-жанг мотиви кейинроқ, 1986 йили чоп этилган “Ширин қовунлар мамлақати ёки сеҳргарлар жанги” романида ўзгача тарзда давом эттирилди. Бу асарда аёвсиз кураш энди бошдан-оёқ таҳаюл-ҳаёлотда фантастик тарзда кечади. Бу романи “Сарик девни миниб” ва “Сарик девнинг ўлими” билан боғлайдиган жихати шундаки, ҳар икки романда иштирок этган Хошимжоннинг дўсти – бироз ҳаёлпараст, бироз ўйинқароқ Ақрамжон бу асарда бош қахрамонга айланади, унинг ширин қовунлар мамлақатидаги ҳаёлий саргузаштлари – мамлақатни ҳар хил иллатлардан тозалаш ниятида сеҳргар иблис билан олиб борган аёвсиз жанглари роман асосини ташкил этади. Бу курашда унга устози профессор Дар Даража яқиндан ёрдам беради ва яна ўша сизу бизга таниш сеҳрли қалпоқча бу борада қўл келади. Шу тариқа, ҳар бири ўзича бир дунё, мустақил хилқат саналмиш бу уч роман, айни пайтда, асосий мотиви, етакчи персонажлари орқали бир-бирлари билан туташади, шунга кўра уларни ўзига ҳос миллий адабиётимизда ҳозирча ягона саргузашт трилогия деб аташ мумкин.

Ёзувчининг соф ҳаётий-реалистик саргузашт йўлида ёзилган “Беш болали йигитча”, “Жаннати одамлар” каби асарлари, тарихий саргузашт романнинг биздаги илк намуналари дея баҳо олган “Қасоскорнинг олтин боши”, “Йиллар ва йўллар”нинг ҳам – ҳар бирининг миллий адабиётимиз, хусусан, болалар адабиёти раванқида алоҳида ўрни бор. Автобиографик характердаги “Беш болали йигитча” иккинчи жаҳон уруши йилларида норасидалар бошига тушган ададсиз қулфат, мусибатларни теран, таъсирчан бетакрор ифодаси жихатидан Гафур Гуломнинг машҳур “Сен етим эмассан” шеъри, Раҳмат Файзий киносценарийси асосида яратилган айни шу номдаги фильм каторида туради. Бу роман ҳақида озми-кўпми ёзилди, илик гаплар айтилди, аммо ҳали айтилмаган, айтилиши лозим бўлган гаплар кўп. “Қасоскорнинг олтин боши” асарининг муаллиф қаламига мансуб олдинги романлари билан талай муштарак жихатлари бор. Аввало, бу асар ҳам саргузашт йўлида битилган, аввалги романларга ҳос қувнок юмор бу асарда ҳам унга алоҳида зеб бериб турибди. Шу билан баробар, бу романнинг аввалгиларидан ажратиб турадиган айрим ўзига ҳос томонлари ҳам мавжуд.

Биринчидан, аввалги романлар муаллифга замондош болакайлар, ўсмирлар ҳаётидан олинган бўлса, “Қасоскорнинг олтин боши” тарихий ўтмишдан баҳс этади, болалар, ўсмирлар эмас, катталар ҳаётидан хикоя қилади. Иккинчидан, аввалги романларда муаллиф бола ёки ўсмир қахрамоннинг гаройиб, ҳаёлий-фантастик саргузаштлари орқали ҳаётнинг хилма-хил қатламларини, турли-туман шахслар қиёфасини кўрсатиш

йўлидан борган бўлса, бу асар марказида тарихий шахс, халк касоскори – Намоз такдири туради. Ёзувчи халк орасида афсонага айланиб кетган бу одамнинг кескин драмаларга тўла кахрамонона хаёт лавхаларини хаётий-тарихий далилларга таянган холда бадиий гавдалантиради.

Намоз шахси ва у бош бўлган касоскорлик кўринишидаги, аслида эса, миллий озодлик харакати мохияти устида ёзувчи кўп бош котирди. Тўгри, ўша пайтларга кадар Намоз харакати илмий жихатдан бирмунча ўрганилган, бу харакатни бахолашда ижобий томонга юз ўгириш бошланган бўлса-да, хали бу хусусда, узил-кесил хукм чиқарилган эмасди. Ёзувчи Пиримкул Кодиров романга ёзган сўзбошисида таъкидлаб ўтганидек, Намоз сиймосини бадиий адабиётда гавдалантиришга айрим уринишлар бўлган. Ўз даврида Нурмон бахши у хақда дoston куйлаган, афсуски, дostonдан айрим парчаларгина сакланиб колган, холос; улкан адиб Абдулла Кодирий Намоз хақида йирик асар ёзиш ниятида хужжатлар йиккан, афсус, унинг бу ниятини рўёбга чиқариш имкони бўлмаган; рус адибаси Анна Алматинскаянинг “Зулм” трилогиясида Намозга оид бир ярим сахифалик кичик эпизод бор; Иззат Султон “Номаълум киши” драмасидаги Ниёз образига Намозни прототип қилиб олган бўлса-да, у тарихий шахс Намоздан бирмунча йироклашиб кетган... Кискаси, “Касоскорнинг олтин боши”дагина илк бор тарихий сиймо – Намоз хаёти, кураши батафсил хикоя қилиб берилди. Намоз сиймоси изчил, мукамал гавдалантирилди.

Намоз саргузашти ифодасида ёзувчи, манбаларга таянади, айрим ўринларда манбалардаги тафсилотларни айнан келтиради; колаверса, халк орасида юрган хикоя, ривоят, нақллардан ҳам фойдаланади. Шу икки жихатдан келиб чиқиб, муаллиф ҳам реалистик саргузашт, ҳам халк оғзаки ижоди ифода усул-услугини қўшиб олиб боради, хаёл-тасаввурга ҳам андак эрк беради; асар кахрамони Намоз гўё эртак, афсона билан реал хаёт, тарих хақиқати орасида турувчи ўзига хос бетакрор сиймога айланади.

Намоз меҳнаткаш халк орасидан чиққан, шу меҳнаткаш халк манфаати, шаъни, эрки деб курашга отланган оддий бир дехкон йигит. Шу билан баробар, у дунё кўрган, ок-корани таниган, ўз даври учун фавқулодда бир шахс; ўтган аср бошларида Туркистон ўлкасида вужудга келган тўлғанишлардан илхомланиб, жабрдийда, икки томонлама эзилган, эрка ташна меҳнаткаш халқнинг химоячиси сифатида бош кўтаради. Айни пайтда, Намоз халқимизнинг, халқ даҳоларининг эрк, озодлик, адолат хақидаги анъаналари вориси сифатида кўринади. У хазрат Навоийнинг: “Илгимдин келгунча золим тигин ушотиб, мазлум жарохатига интиком малхамин кўйдим”, деган дил сўзларини касамёд тарзида тумор қилиб бўйнига осиб юради. Сафдошларини ҳам шунга даъват этади. Шуниси муҳимки, бу одам доимо ўз хатти-харакатларини тафтиш этиб боради, ўзи бош бўлган тўда харакатининг ожиз томонларини ҳам сезади, тан олади; кичик бир тўдани отлантириб бою мансабдорлардан касд олиш, улар мол-мулкани тортиб олиб, кашшок бева-бечораларга бўлиб бериш йўли билан асл муддаога эришиб бўлмаслигини, кенг оммани атрофига уюштириб, халқни кўзгатиш кераклигини тушуниб этади; ана шу дақиқаларда унинг рухий кийноқлари бошланади, бошқача йўлдан боришга хоши ва янгича кураш йўлига ўтишда ўзидаги ожизликни англаш, хис этиш жараёни рўй беради. Саргузашт имкониятлари доирасида шундай рухий драматик холатларнинг берилиши катта гап. Айни пайтда, ёзувчи Намоз шахсиятининг бошка кирралари – унинг оддий инсоний хислатларини ҳам кўрсатишга харакат қилади. Намоз мард, танти, жасур пахлавон, шу билан баробар, ўта кўнгилчан, раҳмдил инсон, ўзгаларнинг кўзёшларига асло тоқат қилолмайди, у дунёю бу дунёси коронгу бўлиб кетади; аламидан ҳаммаёқни

зир титратган, золимлар додини бериб юрган бу баходир йигит унаштирилган киз хонадонига ёлгиз киришга ийманеди; Намоз меҳнаткаш халк манфаати йўлига жони-жахонини тиккан одам, бироқ, у ўзининг оила, кариндош-уруглар олдидаги бурчини ҳам асло унутмайди; шахсий турмуш лаззатлари, оила кувончи ва ташвишлари унинг учун бегона эмас. Опаси Ўғилойга инилик меҳри, Насиба билан севги, оилавий интим мулоқотлари, кайнисингилларига кўрсатган калб саховатларини муаллиф ўзгача бир самимият билан ифода этади. Безовта, серташвиш кунларда барпо бўлган оила, унинг кувончли дамлари, орзу-умидлари, дарбадарликдан зада бўлган аёл калбининг изтироблари, баъзида эр-хотин орасида бўлиб ўтган паст-баланд гаплар – ора-сира каламга олинган шундай холат-ходисалар тасвири асарга алохида файз бахш этган, ўшандай ўринларда қахрамон чехраси, калб бисоти яна ҳам очилиб кетади. Чунончи, кочкин пайти Насибани тўлғок тутиб қолиши, дунёга келаётган чакалок хаёти деб Намознинг ракиблар олдида таслим бўлиши манзараси – ўша дамлардаги қахрамоннинг рухий холати зўр маҳорат билан тасвирланган. Бу лавҳа ўқувчини ларзага солади, ўта тигиз дамлардаги қахрамон холати китобхон хотирасига мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Муаллиф талкинича, Намоз касоскор, лекин у террорчиликка, инсон зотини жисмоний азоблашга, котилликка қарши. Аммо шафқатсиз замон, золимлар зулми, у тушиб қолган мураккаб вазиятлар қахрамонимизни гоҳо шафқатсиз бўлишга мажбур этади: кези келганда, интиком оловида ўртанган бу йигит бир вақтлар ўзини асоссиз камчиллаган золимни бошлаб савалайди, имконсизликдан беғуноҳ отга қарата ўқ узади, неча бор ракиблар додини беради, касамидан тонган йигитларни жазолайди, хоинни ўз қўли билан бўғиб ўлдиради... Такрор айтаман, бундай шафқатсизликлар фақат вазият тақозоси, ўша дамларда қахрамон учун ўзгача йўл йўқ.

Нихоят, қахрамоннинг ҳалокати ифодасида аламли, афсус-надоматлар оғушида одамни қийноққа соладиган холат бор. Хукмрон маккор кимсалар юзма-юз тўқнашувларда Намозга бас келолмагач, соткин кимсалар қўли билан уни орадан кўтардилар, ўз ичидан чиққан хоинлар қахрамоннинг олтин бошини танидан жудо этадилар...

Асар ўзбек халқи миллий озодлик ҳаракати силсиласида муносиб ўрин олган ёрқин тарихий шахс сиймосини жонли гавдалантириб бергани, адабиётимизга чин маънодаги курашчи-қахрамон образини олиб киргани билан қимматлидир. Эҳтимол, тарихий шахс Намоз ҳаётидан яна бошқача йўналишда, ўзгача услуб, усул, жанрда янги асарлар битилар, аммо, “Касоскорнинг олтин боши” Намоз ҳақидаги роман, миллий адабиётимиздаги илк тарихий-саргузашт роман тарзида қимматини асло йўқотмайди.

Хулоса шуки, миллий маданиятимиз, адабиётимиз раванкига улкан ҳисса қўшиб келаётган, аллақачон саргузашт сардори даражасига кўтарилган Худойберди Тўхтабоевнинг ижоди янаям сермахсул, бардавом бўлаверсин.